

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитасида 2022 йил учун коррупцияга қарши курашиш  
йўналишида амалга оширилган ишлар хақида**

**МАЪЛУМОТ**

**I. Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилиши тўғрисида умумий ахборот.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-76-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза давлат қўмитаси марказий аппаратида 2 та худуддий бўлинмаларда 14 та штат бирлигидан иборат Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлимни ташкил этилди ҳамда тегишли чора-тадбир Дастури ишлаб чиқилиб ижроси тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилди.

1. Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўйича таркибий бўлинмаларни ташкил этиш ва белгиланган тартибда малакали мутахассислар билан тўлдириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг [vacancy.argos.uz](http://vacancy.argos.uz) сайти орқали бўлим бошлиғи ва бош мутахассис номзодлар ўртасида танловлар ўтказилиб, танлов натижасида бўлим бошлиғи ва бош мутахассис лавозимларига, шу билан биргалиқда 10 та худуддий бўлинмаларда ҳам бош мутахассис лавозимига ходимлар ишга қабул қилинди. Шу билан биргалиқда 4 та худудларга асосий ходим танлов асосида қўйилгунга қадар ходимлар буйруқ асосида бириктирилди.

2. Давлат экология қўмитаси ва унинг худуддий бўлинмалари фаолияти ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди, тизимдаги мавжуд коррупцион ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда муаммолари аниқланди. Уларни бартараф этиш мақсадида Давлат экология қўмитаси томонидан инсон омилини қисқартириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқишида маънан эскирган ҳисобкитобларни амалга оширилиши ҳамда абонентларни ягона биллинг электрон тизими орқали ҳисобини юритиш;

санитар тозалаш хизматлари учун аҳоли томонидан тўловларни онлайн амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида, Ўзбекистон почтаси, “Uzraunet” МЧЖ қўшма корхонаси, “National Engineering Technologies” МЧЖ (MBANK – тўлов тизими), PAYME, UPAY va CLICK билан ҳамкорлик йўлга қўйилди;

буғунги кунда майший чиқиндилар учун мажбурий тўловларни ундириш мақсадида замонавий русумдаги жами 1972 та учтаси бирда тўлов термопринтерлари харид қилинди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 1-февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2750-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат экология қўмитаси томонидан 11 турдаги рухсат этувчи ҳужжатлар Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали

ҳамда “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали электрон тарзда расмийлаштирилмоқда.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий мұхитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш түғрисида” 202-сон қарори ижросини таъминлаш, компенсация түловчи субъектларни тұлық қамраб олиш, компенсация түловларининг түғри ҳисобланиши ва үз вақтида ундирилишини назорат қилиш ҳамда инсон омилини камайтириш мақсадида “ECOFUND” электрон дастури амалиётта жорий этиб келинмоқда.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар түғрисидаги иш ҳужжатлари “E-murīy ish” тизими орқали Давлат экология қўмитаси тизимида фаолият кўрсатаётган 1440 нафар давлат инспекторлари учун 580 дона махсус планшетларда электрон тарзда расмийлаштирилмоқда. Шу билан биргаликда давлат инспекторларнинг коррупцион хавф-хатар даражаларини минималлаштириш мақсадида 2023 йилда эса 920 дона махсус планшетлар ва 1440 дона бодикамералар харид қилиб олиш режалаштирилди.

6. Соҳа ходимларини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва меъёрлари бўйича билим бериш, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини етказиш мақсадида “Атроф мұхитни муҳофaza қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ўқув-семинар ва малака ошириш курслари ташкил этилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 30-декабрдаги ПҚ-76-сон қарорига мувофиқ, экология ва атроф-мұхитни муҳофaza қилиш йўналишини “Коррупциясиз соҳа”га айлантириш вазифаси белгиланди.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида” 2022-йил 12-январдаги ПҚ-81-сон қарори ижросини таъминалашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарор билан Давлат экология қўмитаси томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, бунда Баҳолаш 5 та йўналиш 29 та махсус индикаторлар асосида “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилмоқда.

## II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Ҳисобот даврида бўлим томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид Фармон ва Қарорлари ижросини таъминлаш борасида, ушбу ҳужжатлар асосида Давлат экология қўмитасида тегишли буйруқ ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, Давлат экология қўмитасининг Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этиш бўйича Қўмита раисининг тегишли буйруғлари билан ушбу йўналишдаги Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати, Одоб аҳлоқ қоидалари”, “Коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламенти”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш түғрисида”ги “Давлат харидларини

ўтказиш тўғрисида”ги, ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими тўғрисида”ги Низомлари, “Давлат экология давлат қўмитаси ва тизим ташкилотлари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома”, “Контрагентларни текширишга оид Йўриқнома”, “Давлат экология қўмитаси ва тизим ташкилотларига алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарлар (мурожаатлар)ни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Тартиби”, “Давлат экология қўмитаси ва тизим ташкилотларига ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш бўйича Тартиб”, “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Тартиби” тасдиқланиб, мазкур меъёрий хужжатлар асосида чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бюджет маблағлари сарфланиши жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Давлат экология қўмитаси томонидан амалга оширилган давлат харидлари ҳақидаги маълумотлар расмий веб-сайтларга жойлаштирилиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони ижросини таъминлаш борасида, Қўмитанинг 2022 йил 28 сентябрдаги 450-сонли буйруғи билан “Давлат экология қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларига алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” жорий этилди. Унга кўра, коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун хабарлар Қўмитанинг марказий аппаратига қўйидаги: Президент виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>); Қўмитанинг электрон почтаси – [info@eco.gov.uz](mailto:info@eco.gov.uz), ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebook расмий саҳифаси (<http://Facebook.com/ecogovuz>), Телеграм мессенжеридаги (<https://t.me/ecogovuz>); хизмат (ишонч) телефон рақамлари (+998712071107 уoki 1157); телеграм боти ([@ECOanticor bot](https://t.me/ECOanticor_bot)) алоқа каналлари орқали йўлга кўйилди.

### III. Хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларнинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларнинг Харитаси ишлаб чиқилди, харитага мувофиқ Давлат экология қўмитаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ жами бўлиб 8 та соҳавий йўналишлар бўйича 128 та функцияларни, шу жумладан Давлат экология қўмитаси ва тизим ташкилотлари бўйича 75 та функцияларни ўз ичига қамраб олинди, шу билан биргаликда Давлат экология қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларнинг ҳамда туманлар (шаҳарлар)даги ҳудудий бўлимларининг 53 та функцияларини амалга оширади.

Мазкур функциялардан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бўлинмаларида коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган 38 та функция ва

лавозимлар рўйхати шаклантирилди. Мазкур мойил функция ва лавозимлар бўйича хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар.**

##### **а). Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитн муҳофаз қилиш давлат қўмитаси раисининг 2022 йил 28 сентябрдаги 450-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом” талаблари асосида марказий аппарат, вилоят ҳудудий бўлинмалари ва тизим ташкилотларида жами 2429 нафар ходимлар томонидан декларация аризалари тўлдирилди, 4 нафар ходимларда манфаатлар тўқнашувини мавжудлиги аниқланди ва белгиланган тартибда тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

##### **б). Коррупцияга қарши қоидаларни шартномаларга киритиш**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитн муҳофаз қилиш давлат қўмитаси тизимида Коррупсияга қарши қоидаларни ташкилотнинг хўжалик шартномаларига киритиш бўйича, шу жумладан марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида контрагентлар таҳририда таҳлилий маълумотлар амалга оширилиб борилмоқда.

##### **в). Контрагентларни текшириш**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитн муҳофаз қилиш давлат қўмитаси раисининг 2022-йил 28-сентабрдаги 450-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома асосида ишлар амалга оширилди.

##### **г). Ишга қабул қилиш учун хужжат топширган номзодларни текшириш**

Марказий аппарат, ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида ташкилот тизимида ишга кириш учун номзодлар устидан текширувлар ўтказилиб, ижобий ёки салбий хulosалар бериб борилмоқда.

#### **V. Таълим ва коммуникатция**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан келиб чиқиб, 2022 йил учун ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўкув режа ва дастурлар қайта кўриб чиқилди.

Қўмита томонидан 2022 йил учун тасдиқланган малака ошириш режа-жадвалига асосан жорий йил давомида тизимдаги 171 нафар лаборатория ходимлари, 26 нафар ҳудудий Кадрлар бўлими мутахассислар, 28 нафар Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўйича бош

мутахассислари ҳамда **403** нафар туман (шаҳар) инспекторлари ҳамда **100** нафар Давлат қўриқхоналари ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари жами **728** нафар тингловчиларнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида малакаси оширилди ва маҳсус сертификатлар берилди.

2022 йил 26-27 октябрь кунлари Давлат экология қўмитаси, тизим ташкилотлари ҳамда ҳудудий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши кураш бўлими мутахассислари ҳамда кадрлар бўлими масъул ходимлари иштироқида “Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларни ошириш” мавзусида ўқув-семинар тренинг ўтказилди.

Давлат экология қўмитасининг 2022 йилдаги 01-01/12-13-сонли топшириги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда тасдиқланган режа-жадвалга асосан ҳафтанинг ҳар жума кунлари 16:00 дан 18:00 га қадар Қўмитанинг соҳалар бўйича масъуллари ҳамда ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан туман (шаҳар) инспекторлари учун соҳалар бўйича масоғавий онлайн тарзда ўқиши ташкил этиб келинмоқда. Ҳозирги кунга қадар режа-жадвалга асосан **520** нафар давлат инспекторларининг ZOOM иловаси орқали онлайн ўқиши ташкил этилди.

Бундан ташқари 2022 йил тасдиқланган режа-жадвали асосида Қўмита билан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари Қўмитанинг марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ва тизим ташкилотлари учун маънавият соатлари олиб борилди.

## **VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида**

2022 йилда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимида **8** та (2021 йилда 13 та) жиноят содир этилган бўлиб, **10** нафар (2021 йилда 13 нафар) ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган.

Мазкур ходимларнинг **7** нафари (2021 йилда 9 нафар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва **3** нафари (2021 йилда 4 нафар) “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонаси тармоқлари хиссасига тўғри келади. Жиноятларнинг **4** таси (2021 йилда 5 та) коррупцион, **2** таси (2021 йилда 3 та) ўзлаштириш, **4** таси (2021 йилда 5 та) бошқа турдаги жиноятлар хиссасига тўғри келмоқда.

Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, 2022 йил мобайнида Сирдарё ва Наманган вилоятларида **3** нафардан, Қашқадарё вилояти **2** нафар, Тошкент ва Фарғона вилоятларида **1** нафардан ходимлар коррупциявий ва бошқа қилмишлари учун жавобгарликка тортилган.

Соҳадаги коррупциявий омилларни бартараф этиш, тизимда шаффоффлик, кадрлар салоҳиятини юксалтириш нуқтаи назаридан бир қатор амалий чоралар кўрилиши натижасида, ўтган йилга нисбатан жиноятчилик ҳолати **5** тага камайган.

Жорий йилда Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан **4** та хизмат текширувлари ўтказилди, хизмат текширувлари натижасида **1** та ҳолатда бўйича жиноий аломатлар мавжудлиги сабабли, прокуратура органларига юборилди, **2** та ҳолатда

бўйича икки нафар мансабдор ходимларга интизомий жазо чораси ва 1 та ҳолатда эса меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Жумладан:

Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 16 сентябрдаги 149-х-сонли буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси иш фаолияти юзасидан келиб тушган мурожаатни ўрганиш мақсадида Ишчи гуруҳ тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида 2022 йил июн ойида ўтказилган “Ёпик аукцион” натижалари ўрганилди.

Ўрганиш давомида асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сон қарори 1-иловаси “Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган обьектларини сотиш, шунингдек уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом”ни амалиётда қўллашда бир қанча хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Аниқланган хато ва камчиликлар бўйича маълумотнома ва унга тегишли бошқа ҳужжатлар нусхаси ҳуқуқий баҳо бериш учун Давлат экология қўмитаси раисининг номида 30.09.2022 йил 01-01/6-639-сонли хат билан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига тақдим этилди. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг 10.1/2-193455-22-сонли хатига асосан аниқланган ҳолатлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва тароф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси мансабдор шахсларга ва бошқаларга нисбатан 21.11.2022 йилда ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 18 октябрдаги 474-сон буйруғи асосида Қашқадарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг иш фаолияти юзасидан ўтказилган хизмат текшируви ўтказилди.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган хизмат текшируви натижасида қўмита раиси раҳбарлигига аппарат йиғилишида муҳокома қилинди ҳамда тегишли чора-тадбир белгилаб олинди. Вилоят бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Хидиров Дамир Темировични 2022 йил 20 октябрда ўз хохишига кўра эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Наманган вилояти прокуратурасининг 17.11.2022 йилдаги 10.1/4-485078/22-сонли тақдимномаси ҳамда Давлат экология қўмитаси раисининг 2022 йил 21 ноябрдаги 177-х/с-сон буйруғига асосан Наманган вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Кадрлар бўйича бош мутахассиси С.Туралиеванинг мурожаати юзасидан хизмат текшируви ўтказилди.

Наманган вилоятида ўтказилган хизмат текшируви натижасида Наманган вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси барча ходимлари иштирокида йиғилишида муҳокома қилинди ҳамда тегишли чора-тадбир белгилаб олинди. Вилоят бошқарма бош мутахассиси Ф.Жалиловга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

VII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2023 йилда амалга ошириладиган вазифалар доирасида алоҳида қўйидаги устивор масалаларга эътибор қилган ҳолда тегишли чора-тадбир Дастури ишлаб чиқилди:

- Манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг ташкилий ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиши, хабар бериш тартибини йўлга қўйиш, манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш механизмларини яратиш;
- Манфаатлар тўқнашуви ҳолати юзасидан қарор қабул қилиш жараёнларидаги холисликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан мониторингни амалга ошириш;
- Манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилиши ҳамда уларнинг очиқлиги ва шаффофигини таъминлаш;
- Вазирликнинг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш;
- Вазирлик ва унинг тизим тиашкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва хавф-хатарларни минималлаштириш;
- Давлат фуқаролик хизматчиларида юксак касбий аҳлоқ-одобни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқатсиз муносабатни шакллантириш;
- Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборат.

**Коррупцияга қарши курашиш ва  
комплаенс назорат бўлими бошлиғи**

**Б.Урунов**

